



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

**1-OKTABR – O‘QITUVCHILAR VA
MURABBIYLAR KUNI**

ILM SARCHASHMALARI

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI**



2019-9

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

9.2019

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2019

MUNDARIJA

МАТЕМАТИКА

Ж.А.Отарова. Разрешимость одной краевой задачи для уравнения смешанного типа четвертого порядка.....	3
--	---

FALSAFA

Ў.Абилов, А.Худайбердиев. Глобаллашув даврида ахборот таҳди, ахборот хуружи ва ахборот хавфсизлигининг фалсафий жиҳатлари ҳақида.....	8
А.Б.Фуломов. Коэволюция назариясида табиатга муносабат.....	12
А.Р.Самадов. Покланиш-форигланиш – шахс эстетик идеалининг эволюцион хусусияти сифатида.....	15
Р.Р.Замилова. Патриотическое воспитание молодёжи Узбекистана и формирование у нее нравственного идеала.....	19

TILSHUNOSLIK

Б.Х.Данияров. Лисоний даражаланиш қонунияти ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг лингвистик методологияси сифатида.....	23
М.А.Раджабова. Ономастик компонентли фразеологик ва паремиологик бирликларнинг эквивалентлик тадқиқига доир.....	29
Ю.Ходжиев. “Алпомиш” достонида “дўст” лексемаси қўлланишининг концептуал имкониятлари.....	35
N.Ahmedova. Murojaat birliklarining pragmatik xususiyatlari.....	40
O.X.Abdullayeva. Kogrus lingvistikasi tilshunoslik yo‘nalishi sifatida.....	43

ADABIYOTSHUNOSLIK

К.Ў.Ҳамраев. Ҳикояда бадиий деталь такомили.....	47
А.Эшмуродов. “Холдорхон” достонида қўлланган сажъ санъати ҳақида.....	51
Н.М.Ўрмонова. Таржима ва адабий алоқаларда “Жаҳон адабиёти” журналининг аҳамияти.....	54
B.Rahimova, S.Otaxonova. Boltaboy Bekmatov – Xorazm adabiy muhitining yetakchi vakillaridan biri.....	57

PEDAGOGIKA

O‘.Odamova. O‘quvchilarning bilish faolligini taraqqiy ettirishda sinf rahbarining roli.....	61
О.Худайберганов. Эркин курашчиларнинг машғулот ва мусобақа фаолиятини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар юкламаларини тақсимлаш.....	63
М.И.Расурова. Хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш хусусида баъзи мулоҳазалар.....	66
З.Давронова. Специфические особенности восприятия французской речи на слух.....	69
G.B.Abdukadirova, G.Sh.Khamroyeva. The Role of Humour in Second Language Acquisition.	74
F.Masharipova. Use of Clil Technology in English Classes.....	77
Д.К.Каттабаева. The Effectiveness of Using Songs in Teaching Process of English Language.....	80
S.Saidova. Evaluation Methodology of Reading Skills for ESP Students.....	83
R.Shavdirova. Developing Role and Significance of Iss in Learning Process.....	87
M.Rakhmanova. The Secrets of Conducting an Effective Lesson.....	90

ILMIY AXBOROT

G.Sh. Boltayeva. Yoshlarda kitobxonlik madaniyatini oshirish va shakllantirish mexanizmlar....	94
А.Г.Юлдашев. Мақолларнинг оламнинг лисоний манзарасидаги ўрни.....	97
Mavzuna Sirojiddin qizi Muxiddinova. “Tarixi Xumuliy” asarida muallif tarjimayı holiga oid ayrim ma’lumotlar.....	102

Комиљон Үлмасович Ҳамраев (Тошдўтау)
ҲИКОЯДА БАДИЙ ДЕТАЛЬ ТАКОМИЛИ

Аннотация. Мақолада замонавий ўзбек ҳикоялари мисолида бадиий деталнинг назарий хусусиятлари таҳлил этилган. Бадиий деталнинг ҳикоя структурасидаги поэтик вазифаси ёритилиб, унинг шакллари тасниф қилинган. Н.Эшонқулнинг “Эволюция” ва “Баҳоуддиннинг ити” ҳикоялари қиёсий аспектда тадқиқ этилган.

Аннотация. В данной статье на примере узбекских рассказов анализируются теоретические особенности художественной детали. Освещается поэтическая функция художественной детали в структуре рассказа, а также классифицируются её формы. Исследованы в сопоставительном аспекте такие рассказы Н.Эшонкула, как “Эволюция” и “Пёс Баҳоуддина”.

Annotation This article analyzes the theoretical features of artistic detail using the example of Uzbek stories. The poetic function of artistic detail in the structure of the story is highlighted, and its forms are classified. Such essays of N.Eshonkul as “Evolution” and “Dog of Bahauddin” are investigated in a comparative aspect.

Калит сўзлар: ҳикоя жсанри, бадиий композиция, бадиий деталь шакллари, бадиий деталь, бадиий тасвир, хронотоп, образ деталь, жамловчи деталь, ишора деталь, товуш деталь.

Ключевые слова: жсанр рассказа, художественная композиция, формы художественной детали, художественная деталь, художественное описание, хронотоп, деталь-образ, собирательная деталь, деталь-знак, деталь-звук.

Key words: story genre, forms of artistic detail, artistic detail, artistic description, chro-notop, image detail, collective detail, sign detail, sound detail.

Бадиий деталь композициянинг муҳим таркибий қисми саналади. Композиция сатҳида турли поэтик вазифа бажариши билан адабиётшунослиқда бу компонентнинг тарихий ва назарий хусусиятлари ҳақида хилма-хил қарашлар мавжуд. Масалан, рус адабий терминлар энциклопедиясида бадиий деталь ҳақида шундай ёзилган: “Деталь (фр. – қисм, аниқлик) бадиий образнинг энг аҳамиятга молик, ажратиб кўрсатилган элементи. Кенг маънода психологик ва нутқий деталлар ҳақида гапирилади (персонажларнинг ўй-хаёллари, руҳий кечинмаларини аниқ деталлаштириш)”.¹

Ушбу таърифларда бадиий деталь ва образ муносабати, шунингдек, бадиий деталь билан тафсилотнинг поэтик матн таркибидаги вазифалари ажратиб кўрсатилади. Бироқ бадиий деталнинг сюжет чизигидаги функцияси ва асар бадиий ғоясининг маъно қирраларини тасвирловчи вазифаси ҳақида ҳеч қандай фикр учрамайди. Деталь хусусидаги қуйидаги қараш юқоридаги фикрларни тўлдириши билан айрим ўринларда фарқ қиласди. “Аввало, деталь бадиий воқеликни яратиш воситаси – ашёси бўлиб, у тасвирланадиган нарса-ходисани конкретлаштиради, уни ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган тарзда гавдалантиради. Бошқача айтсак, деталь асарда тасвирланган образнинг кичик бир қисми (яъни у ҳамиша предметлиликни кўзда тутади), деталларнинг бирикуви натижасида ўша образ кўз олдимизга бутун ҳолда намоён бўлади”².

Й.Солижоновнинг “Деталлар тилга кирганда” мақоласида бадиий деталга сюжет унсурни сифатида қараш устуворлик қилиши билан бирга, унга асар лавҳаларини ва персонажларни бир марказда жамлаш вазифаси юкланишини таъкидлайди: “деталь сюжетни ҳаракатга келтирувчи мотор ҳисобланади. Характернинг ўзига хослиги ҳам, қаҳрамоннинг

¹ А.Н.Николюкин. Литературная энциклопедия терминов и понятий. Москва, 2001, 220-бет.

² Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Т., Академнашр, 2010, 89-бет.

ички олами ҳам, ташқи қиёфаси ҳам, воқеалар ривожи ҳам, фикрнинг тиниклиги ҳам, сюжетнинг таранглик касб этиши ҳам – барчаси ана шу деталлар орқали амалга ошади ҳамда таъсиричан ва ишонарли чиқади. Буни яхши тушунгани ҳар қандай санъаткор асарида воқеаларни деталлаштириб баён қилингага алоҳида эътибор беради”¹.

Бир гурух адабиётшуносларнинг асарларида бадий деталга ёзувчининг гоявий ниятини тасвириловчи восита деб қараши устунлик қиласи, яъни бадий детални соғ композиция унсури деб тушуниш кўзга ташланади: “Ёзувчи баъзан асарни бир кичик деталь асосида қуради. Ўша деталь асардаги барча воқеаларни боғлаб турувчи, муаллиф максадини таъкидловчи восита вазифасини бажаради. Деталлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Деталь муаллиф ё персонаж нутқида, пейзаж, портрет ва бошқалар тасвири давомида келтирилиши мумкин”².

Умуман, бадий деталнинг тарихий ва назарий хусусиятларини ўрганишда бадий образ, бадий сюжет ва асар композицияси билан боғлаб таҳлил қилиш анъанаси мавжуд. Аммо бадий деталь хоҳ образ элементи, хоҳ асар сюжетининг унсури бўлсин, композициянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Юқорида бадий деталь ҳақидаги илмий-назарий фикрларга таяниб, шартли равишда, ҳикоя жанридаги бадий деталнинг поэтик вазифасига кўра, қўйидаги шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Образ-деталь. Ҳикояда қаҳрамон образини тасвирилашга хизмат қиласи. Яъни, қаҳрамон образининг феъл-автори, фазилатларини тавсифлаш максадида ёзувчи деталга маълум бир маъно юклайди. Бундай деталь, худди ҳалқ эпосларининг қаҳрамонларидаги белгилари каби, қаҳрамон образининг ажралмас қисмига айланади. Бундан ташқари, деталь-образ қаҳрамон персонажи орқали ёзувчининг поэтик нуқтаи назарини англашга туртки беради. Ўқувчини ҳикоянинг бадий гоясига қараб етаклайди. Кўп ҳолларда образ-деталлар ҳикоя сарлавҳасига чиқади. Шукур Холмирзаевнинг “Бодом қишида гуллади”, Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, Нормурод Норқобиловнинг “Капалак”, Н.Эшонқулнинг “Тобут” ҳикояларида деталь образ мана шундай поэтик вазифа бажарган.

2. Жамловчи-деталь. Жамловчи-деталь ҳикоя воқеаларини бир нуқтада тутиб туради. Персонажларнинг маънавий қиёфасини очишга хизмат қиласи. Шу билан бирга, жамловчи-деталь ҳикоянинг сюжетини ҳаракатлантиришда поэтик ўқ вазифасини бажаради. Агар бадий матн таркибидан жамловчи-деталь чиқариб ташланса, ҳикоя композицияси нурайди. Жамловчи-деталь ёзувчининг гоявий ниятини тасвирилаш, персонажларнинг портретини чизиш учун бадий восита вазифасини бажаради. Жамловчи-деталнинг яна бир поэтик функцияси ҳикоянинг сюжет чизигида тугун ҳосил қиласи. Айниқса, ҳикоя композициясини ташкил қилишда сюжет лавҳаларини бир марказга йиғишида қўл келади. Шукур Холмирзаевнинг “Оқтош”, Аҳмад Аъзамнинг “Тиқин”, Назар Эшонқулнинг “Ўпқон” ҳикояларида биз назарда тутган жамловчи-деталь юқоридаги поэтик вазифаларни бажарган.

3. Ишора-деталь. Ушбу деталь шакли айрим бадий тафсилотларни деталлаштириш орқали ҳикоя композицияси билан боғланади. Персонажларнинг муайян руҳий ҳолатларини очиш, сюжет чизигида воқеадан-воқеага ўтиш, ҳикоя композициясида муаллиф образининг нуқтаи назарларини тасвирилаш вазифаси ишора-деталь зиммасига юкланди. Ишора-деталь ҳикоянинг маъно қатламларини тушунишга хизмат қилиб, воқеаларни сиқик тарзда ифодалашга замин ҳозирлайди. Ишора-деталь композиция сатҳида ҳикоянинг бадий ритмига ишора қиласи, сюжет чизигида тугун ва ечим лавҳаларини ифодалашда поэтик вазифа бажаради. Масалан, Исажон Султоннинг “Тош келинчаги”да тош детали ҳикоя якунида қаҳрамон образининг руҳиятини ифодалаган. Демак, ишора-деталь ёзувчи бадий гоясининг маъно қирраларини тасвирилашда ва ҳикоя композициясини куришда по-

¹ Солижонов Й. “Деталлар тилга киргандага” мақоласи. Ўзбек адабий танқиди антологиясидан. Т., “Турон-икбол”, 2011, 207-бет.

² Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 2003, 101-бет.

этик занжир функциясини бажаради. Умуман олганда, бадий деталнинг ҳар бир шакли композиция сатҳида поэтик маъно ташиди. Ўзининг бадий ҳаётини яшайди.

ХХ асрнинг 80–90-йилларига келиб, ҳикоячилигимизда янги деталь турлари пайдо бўла бошлади. Турли геометрик шакллар, ранг, товуш, ҳид, таъм кабиларнинг рамзий тасвири ҳикоя таркибида бадий деталга айланди. Бундай бадий деталь илдизининг унинг билиш воситалари орқали мурожаат қилиш услуги туради. Замонавий ўзбек ҳикояларида ёзувчининг ижод нафаси, эстетик диidi, поэтик сезимлари бадий деталь маҳсули ўларок ўз ифодасини топди.

Дейлик, Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида бадий деталь пейзаж таркибида поэтик маъно ташиса, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул асарларида персонажларнинг сезимларида бадий деталнинг тасвирини бериш кучайди. Назар Эшонқул ҳикояларида бадий деталлар тизими ёзувчи услугуга хос жиҳатларни очишга хизмат қиласи. Хароба, вайрон, макон тасвиридаги деталлар ва ранг, товуш, ҳид, таъм деталлари муаллиф обраzinинг поэтик сезими орқали хис қилинади. Билиш воситалари: кўз, бурун, қулок, тил, тери сезгилари орқали инсоннинг маънавий қиёфаси, рухиятидаги эврилишлар очиб берилади. Қолаверса, ёзувчи ҳикояларида нафақат бадий деталлар тизими, балки персонажлар поэтик нутқ йўсими, сюжет қурилиши, бадий хронотоп шакллари ҳикоядан-ҳикояга кўчиб юради. Масалан, “Маймун етаклаган одам”, “Хароба шаҳар сурати”, “Тобут” ва “Ўлик мавсум” ҳикояларининг композицияси ранг, расм, персонажлар тизими, замон ва макон кабиларнинг рамзий тасвирига қурилган. Айниқса, ёзувчи ҳикояларида бадий деталлар тилга кирганда поэтик матннинг маъно қатламлари ойдинлашади. Ранг, товуш, ҳид аппаратлари сезувида хис қилинган бадий деталлар тасвири ҳикоя композициясининг қоқ марказидан қизил ип бўлиб ўтади. Масалан, “Хароба шаҳар сурати” ҳикоясида ҳид детали ҳикоянинг бадий ғоясига ишора қиласи: “Суратга қараб туриб, доимо дуд хидини турардим: балким, менга шундай туюлгандир, аммо бу оддий тутуннинг ҳиди эмасди, мен бундай ачимсик ҳидни кўп йиллар аввал қишлоғимизга ёввойи айқ қувлаб юриб келиб қолган бир гурух овчиларнинг қурум босган милтиғида хис этган эдим ва суратдаги ҳид, ҳақиқатан ҳам, ҳозиргина ортлаган уйқум ҳидига ўхшарди: эҳтимол, бу ҳид менинг димонимда шаҳар ақл бовар қилмас хиёнат ва сотқинликдан сўнг вайрон этилган, деб ўйлай бошлагач, пайдо бўлгандир?”¹

Ёзувчининг “Тобут” ҳикоясида ҳид детали асар сюжетини ҳаракатга келтиради. Персонажларни бир мақсад атрофида жамлайди: “Чиркинлик, ҳазонрезгилик ва бадан ҳиди қоришиб кетган шаҳарда уфунат худди бу манзилга ташриф буорганларнинг бурнини куйдириб ташлаш учун атайлаб тарқатилаётгандай эди: “фақат лаҳаддагина шундай ҳид анқиши мумкин, деб ўйладим мен”.² “Ўлик мавсум”да ҳид детали ҳикоянинг маълум бир персонажига алоқадор. Яъни, қаҳрамон образининг маънавий қиёфасини очишга хизмат қилган: “Уни доим касалманд ва восвос бўлса керак, шу сабабли ҳам ҳеч кимга ўхшамайди, барча даҳолар каби улуғлар каби у улуғ ва бетакор вассасага йўлиқкан, дея ўйлардим, шунда мен ўқитувчимизнинг аъзойи баданига ўрнашиб қолган ҳиднинг нима эканлигини гира-шира англагандай бўлардим...”.³ Эътибор бериб қаралса, ҳид детали учала ҳикоя таркибида келган бўлса-да, поэтик вазифасида бир-биридан фарқ қилган. Бадий матн таркибида ишора-деталь, жамловчи-деталь, образ-деталь вазифа шаклларини ҳосил қилиб, ҳикоя композициясини қуришда турли бадий функция бажарган. Ҳид детали уч ҳикояда ҳам ровий персонажининг поэтик сезимида англанади.

Ҳикояларда бадий образларнинг хатти-ҳаракатлари, маънавий қиёфаси ровий персонажининг нигоҳи орқали тасвирланган. Бу эса бутун ҳикоя композициясининг маркази-

¹ Эшонқул Н. Шафтоли гули. Ҳикоялар тўплами. Т., “Ўзбекистон”, 2011, 108-бет.

² Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. Ҳикоялар тўплами. Т., “Янги аср авлоди”, 2004, 109-бет.

³ Шу манба. 146 – 147-бетлар.

да мазкур персонажнинг поэтик нуқтаи назари бўртиб кўринишига замин ҳозирлайди. Сюжет воқеаларини “мен” тилидан баён қилинини муаллиф образини бадий матн ортида яшириш билан бирга ҳикоя композициясини ташкил қилишда таъсир кучини оширади.

Назар Эшонқулнинг “Эволюция” ва “Баҳоуддиннинг ити” ҳикояларида воқеалар товуш детали асосига қурилади. Яна-да аниқроқ айтганда, ёзувчининг бадий нияти поэтик образларнинг хатти-харакатида ҳикоя композициясининг семантик структурасида товуш детали бош мавзунинг моҳиятини очишга хизмат қилади. Бундан ташқари, товуш детали “Баҳоуддиннинг ити”ни “Эволюция” ҳикоясининг мантиқий давоми сифатида қараш керак деган фикрга келишимзга туртки беради. Масалан, “Эволюция” ҳикоясидаги мана бу парчага диққат қилсан: “Шахар марказидаги маҳлуқ эса ҳар кечада тинмай ўкирар ва у ажал анқиётган товушдан қочиб шаҳардан узоқларга кетиб қолгиси келарди”¹.

Ушбу жумлада ёзувчининг тезис фикрлари тасвирланган. Мавхум маҳлуқнинг ўкирик товуши жамловчи-деталь сифатида поэтик вазифа бажаради. Ҳикоя марказида “қаҳрамон” образи ҳаракат қилса, товуш-детали персонажларнинг руҳиятидаги эврилишларни изоҳлашда, ёзувчининг бадий гоясини англашда поэтик очқич функциясини ўтайди. Ҳикояда маҳлуқ қичқириғи аждодларнинг уввоси билан қаҳрамон образининг увлаши композиция сатҳида бадий вазифасига кўра, ўзаро бир-биридан фарқланган. Маҳлуқ қичқириғида жоҳиллик ва маънавий қашшоқлик куйланса, аждодлар уввосида баҳтиёрлик, шаън ва ор-номус мужассам эди. Қаҳрамон образининг увлашида чорасизлик, маҳкумлик, ҳасрат ва соғинч ноласи мавжуд эди. Мана шу товуш деталининг уч хусусияти бутун ҳикоянинг композициясини ташкиллаштиришда поэтик таянч вазифасини бажарган.

“Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясида ҳам товуш детали ҳам поэтик маъно кўрғонига туйнук очади. Бутун персонажлар хатти-харакатини белгилаб беради: “Кушлар чугури билан бирга яна қандайдир тушунарсиз сас ҳам элас-элас чалинарди. Лекин мен бу сас нималигини ажратса олмадим, у итнинг ҳам, бўрининг ҳам ёки бирон яқинидан айрилган жони-ворнинг изтиробли ноласига ўхшарди”². Мазкур ҳикояда ҳам уч хил товуш шакли ажратиб кўрсатилади. Булар: табиатнинг табиий шовқини, болалар ва радиокарнайларнинг овози ҳамда итнинг увлаш ноласидир. Радиокарнай ва табиат шовқини ҳаётнинг бир маҳорамда ўтаётганлигини ифодаласа, итнинг увлаши эса жамиятнинг битмас-туганмас дарди акс садоси эди.

Иккала ҳикояда ҳам бадий воқеалар плазмаси қаҳрамон образи сезимида товуш детали орқали ҳис қилинган. Ҳикояларда қаҳрамон образи рамзий товушлар таъсирида, дастлаб, секин-аста руҳияти, кейинчалиқ, бутун жисми эврилиб боришини кўрамиз. “Эволюция” асарида куйидаги ўзгаришда ўзлигидан узоқлашаётган одам қиёфаси тасвирланган: “Таъқиблар ва увлашлар унинг аъзоларини ҳам аста-секин ўзгартира бошлаган эди – унинг қўли ва оёқларида билинар-билинмас панжасимон туёклар ўсиб чиқаётган, товуши тилига бўйсунмасди, о дариг, унинг увлашга мойил бўғзидан маърашга ўхшаш товуш отилиб чиқаётганини англаган пайтда нақ телба бўлиб қолаётган эди”³.

“Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясида эса ўзлигини излаётган инсон образи ифодаланган. “...кўзимни юмиш им билан менинг вужудимдан нимадир ташқарига отилиб чиқиб кетар, менга ўша отилиб чиқиб кетган нарса итдай бўлиб туюлар, аммо менинг вужудимда ит нима қилади, дея бу шубҳани инкор қилардим”⁴.

Алқисса, иккала ҳикоя қаҳрамони ҳам охир-оқибат якунда ҳайвон қиёфасига ўтадилар: “Кўзичоқ ўзаро сухбатни тушунгандек, кўзларини тантиқлик билан юмиб олди; ҳархар дамда кўзларини юмиб-очар, лекин ҳеч қандай хавф йўқлигини сезгач, яна барвастанинг бармогини очиқиб сўрарди”. “Энг қизиги ва сизга бу нарсаларни ёзаётганимнинг са-

¹ Эшонқул Н. Шафтоли гули. Ҳикоялар тўплами. Т., “Ўзбекистон”, 2011, 40-бет.

² Шу манба. 21-бет.

³ Шу манба. 48-бет.

⁴ Шу манба. 31-бет.

баби шуки, итлардан бирининг бўйнида, мен режиссёрнинг бўйнида кўп бор кўрганим – чарм тумор осилиб туради”. “Эволюция”даги ўзгаришда маҳкумлик, мажбурият ва журъатсизлик тантана қилса, “Баҳоуддининг ити”да эса ҳамдардлик, хоҳиш ва ошуфталик хукм суради. Айни шу нуқтада иккинчи ҳикоя биринчисининг мантиқий давоми сифатида ёзилганлиги англашилади. Негаки, “Эволюция” ҳикоясида бош персонажга нураб тугаган жамиятнинг сўнгги вакили сифатида муносабат билдирилса, “Баҳоуддининг ити” ҳикоясида қаҳрамон образига кўхна ҳаётнинг миллий анъаналари ва маънавиятидан таралган уйгониши садосига биринчи қулоқ тутган маърифатли инсон сифатида қаралади. Бундан ташқари, “Эволюция” ҳикоясида хиёбондаги бола образи ва қалин ўрмон ортида қолиб кетган аждодлар йўли ҳамда ота-боболарининг фарёди ҳақидаги фикрлар “Баҳоуддининг ити” ҳикояси ёзилишига сабаб бўлгандек. Қолаверса, ҳикояларнинг эпиграфидаги жумлалар фикримизни яна-да ойдинлаштиради: “Сен бу дунёга халоскор ўлган куни келган эдинг”, “...Шайх у гўзални кўриш умидида ёр кўчасидаги итлар орасига кўшилди...”

Хуллас, Н.Эшонқул ҳикояларида бадий деталлар типологик маъно касб этиши, аввало, ёзувчининг ўзига хос услуби ва жанрнинг ички имкониятлари билан боғлиқ. Қолаверса, бадий деталлар композиция сатҳида муштарак маъно ифодалаши билан бирга, индивидуал характерга эга. Жумладан, образ-деталь, жамловчи-деталь ва ишора-деталлар бадий асар таркибида ўзига хос поэтик вазифа бажариши фикримизга асос бўлади. Бадий тасвирнинг янгиланиш тамойиллари ҳозирги ўзбек ҳикояларининг композицион сатҳида ўз ифодасини топади.

Абдуваҳоб Эшмуродов (ЖДПИ) “ХОЛДОРХОН” ДОСТОНИДА ҚЎЛЛАНГАН САЖЪ САНЬАТИ ҲАҚИДА

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқ достонларига хос бўлган асосий бадий санъат турларидан бири – сажъ санъати ҳақида сўз юритилган. Сажъ санъатининг Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган “Холдорхон” достонида тутган ўрни, унинг достон синтактик қурилишининг ўзига хослигини таъминлашдаги ўрни ҳақида фикрлар баён қилинган.

Аннотация. В статье идёт речь об употреблении художественного средства – саджа в дастане “Холдорхон”, который исполнен узбекским народным баҳши Ергашем Джуманбульбуль-оглы и о роли этого художественного средства в синтаксическом строении дастана.

Annotation. This article discusses the use of artistic means *saj* in the dastan “Xoldorxon”, which was performed by people’s *bahshi* Ergash Jumanbulbulogli and the role of this artistic means in the syntactic structure of the dastan.

Калит сўзлар: бадий санъат, достон, достон синтаксиси, баҳши.

Ключевые слова: художественное искусство, дастан, синтаксическое строение дастана, баҳши.

Key words: artistic means, dastan, bahshi, syntactic structure.

Ўзбек тилшунослигида достонлар тилига хос бўлган сажъ санъатининг қўлланиш хусусиятлари кам ўрганилган. Ваҳоланки, достон айтишнинг ўзига хос услуби матннинг ўзига хос синтактик қурилишини ҳам шакллантиради. Бу, айниқса, уюшиқ бўлакларни, кириш бўлакларни, ундалмаларни қўллашда, насрый ва шеърий парчалардаги қофияларда яққол кўзга ташланиб туради.

Достон куйлаш – ўзига хос ижодий-психологик жараён. “Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз ва куй топиб, авжга чиқа боради, ўзларининг таъбири билан айтганда, “қайнайди”. Ўрни-ўрни билан эшитувчиларга мурожаат этиб, уларнинг дикқатини ўзида сақлаб туради. Авж нуқталарга етганда, баҳшининг гавда харакатлари,